



Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

www.uzbovozi.uz

info@uzbovozi.uz

№13
2025-yil
2-aprel, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan



Жаҳон сиёсий саҳнасида зиддиятлар даври кечаётган бир паллада Марказий Осиёда тарихий илдизлари туташ, ҳам қондош, ҳам ёндош бўлган халқларнинг давлат раҳбарлари минтақанинг мақсадлари муштарак эканини яна бир бор исботладилар. Бунинг учун миллий манфаатни умумманфаат билан бирлаштиришдек сиёсий топқирлик фазилати ва катта матонат талаб қилинишини бугун ҳар биримиз теран англаб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 31 март куни амалий ташриф билан Хўжанд шаҳрида бўлди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг қўшма учрашуви бўлиб ўтди.



УЧ ДАВЛАТ, БИР МАҚСАД, УМУМИЙ КЕЛАЖАК

Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси:

“ПАНА”ДА ЮРИБ САЙЛОВЧИ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИБ БЎЛМАЙДИ

БУГУН МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲАЁТИГА НАЗАР ТАШЛАСАНГИЗ, УЛАРДАГИ ШАРОИТ, МУҲИТ, ИШ ТАРТИБИ АВВАЛГИСИДАН ЎЗГАРГАНИНИ КЎРАСИЗ. ЯНГИ ДЕМОКРАТИК ШАРОИТДА ИШЛАЁТГАН ДЕПУТАТЛАРНИНГ ДУНЁҚАРАШИ, ФИКРИ ҲАМ КЕЧАГИДЕК ЭМАС.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНЛАРИДА ФАРҒОНА ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ПАРТИЯМИЗ ТАШКИЛОТЛАРИ, ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР ТАШЛАГАН ЭДИК. АНЪАНАНИ ДАВОМ ЭТТИРГАН ҲОЛДА УШБУ СОНИМИЗДА ТОШКЕНТ

ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШИ РАИСИГА МУРОЖААТ ҚИЛАМИЗ.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ОЛИШ УЧУН ЎзХДП ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОН ЙЎЛ ОЛДИК. ВАҚТИДА БОРГАН ЭКАНМИЗ, БУ ЕРДА ФАОЛЛАР ВА ДЕПУТАТЛАР ИШТИРОКИДА ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЭКАН. БУ БИЗ УЧУН АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ. АСЛИДА ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШИГА ТАШРИФИМИЗДАН МАҚСАД ҲАМ ПАРТИЯ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ ОЛИШ ЭДИ.

6

ДЕПУТАТ БИЛАН САЙЛОВЧИ ЎРТАСИДА ЭЛЕКТРОН МУЛОҚОТ МАЙДОНИ ЯРАТИЛМОҚДА



БИЛАМИЗКИ, ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЛГУСИ ЙИЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ “ЎЗБЕКИСТОН-2030” СТРАТЕГИЯСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИ ЧИНАКАМ ХАЛҚ “ОВОЗИ”ГА АЙЛАНТИРИШ, ҲУДУДИЙ БОШҚАРУВНИ “АҲОЛИ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВАЗИФАСИ БЕЛГИЛАНГАН. БУ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА. ЧУНКИ, ҲОЗИР МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИ, ҲАТТОКИ ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРДА ҲАМ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ТАЪСИРИ СЕЗИЛМОҚДА.

5 САҲИФАДА

ҚИЗГИН ЖАРАЁН БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ЭНГ КАТТА ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ – ПОЙТАХТИМИЗГА ЯҚИН ЖОЙЛАШГАН БЎЛИБ, У ИККИ ҚЎШНИ ДАВЛАТ – ҚОЗОҒИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН БИЛАН ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТ КОРИДОРИГА ЭГА. ЕР, СУВ ВА ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИГА БОЙ ҲУДУДДА АҲОЛИ СЕНИ ЮРТИМИЗНИНГ БОШҚА ВИЛОЯТЛАРИГА НИСБАТАН КАМ ВА ЖОН БОШИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИГАН ЭКИН МАЙДОНЛАРИ 2-3 БАРАВАР КЎП.


4

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

УСТОЗЛАР НЕГА ХАФА, ОТА- ОНАЛАРЧИ?



8



КАЗИНО WIN GAMES ВИРТУАЛЬНЫЙ СПОРТ TV ИГРЫ БИНГО ТОТО ПОКЕР АКЦИИ

ONLINE ТОТАЛИЗАТОРЫ

ТОЧНЫЙ СЧЕТ 1:0

22 351 241 P

ФУТБОЛ 3 112 588 P

ТОТАЛИЗАТОР

ёхуд осон пул топиш
васвасаси ҳақида

Ижтимоий тармоқларда тез-тез шундай рекламаларга кўзимиз тушади: “ўйнанг ва ютинг”, “биз билан миллионерга айланинг”, “уйда ўтириб, кунига 1000 доллар топинг”...

Унутмайлик, бу ҳеч қандай имконият эмас. Шунчаки, одамларни жалб қилиш ва тотализатор домига тушириб қўйишнинг усули, холос.

Афсуски, ана шундай жозибадор ва алдамчи рекламалар тузоғига илинган минг-минглаб, миллионлаб инсонлар тотализатор фожиаси қурбонига айланмоқда. Сўнгги вақтларда “фалончи тотализаторда бунча пул ютқазибди”, “фалончи интернетда катта пулга тушибди” ёки “онлайн қиморда ютқазиб, жонига қасд қилибди” каби гап-сўзлардан унинг қанчалар хатарли

эгани кўпчиликка сир бўлмай қолди. Орамизда яна қанча онлайн ўйинлардан қарздорлар, ўйин қурбонлари борлигини билмаймиз.

Онлайн қиморга муккасидан кетганлар Ўзбекистонда ҳам тобора кўпайиб бораётгани хавотирлидир. Айниқса, ёшлар орасида спорт ўйинларига пул тикиш оммавийлашиб бормоқда. Бундай ёшлар билим олиш, касб-хунар эгаллаш, тил ўрганиш учун керак бўлган вақти, пули ва кучини кераксиз ва зарарли ўйинларга сарфламоқда.

Демак, бу биз учун ҳам долзарб мавзу ва барчамизни мулоҳаза қилишга ундайди. Мақоламиз давомида таваккалчиликка асосланган, бора-бора сиртмоққа айланаётган ўйинларнинг салбий жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

7



СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

УЧ ДАВЛАТ, БИР МАҚСАД, УМУМИЙ КЕЛАЖАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Учрашув аввалида давлат раҳбарлари бир-бирларини муборак Рамазон ҳайити ҳамда баҳор айёми - Наврӯз билан қутладилар, биродар халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Президентимиз Тожикистон ва Қирғизистон томонларини барча масалалар узил-кесил ҳал этилгани ҳамда Давлат чегарасини делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома имзолангани билан самимий табриклади.

Ушбу ҳужжат, шунингдек, уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуктаси тўғрисида имзоланаётган шартнома барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга, бутун минтақанинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Тантанали равишда очилган Дўстлик стеласи эса қардош мамлакатлар ўртасида мустаҳкамлаб бораётган яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларининг янги рамзига айланиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишларига тўхталиб ўтар экан, бунда чегарадош ҳудудларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Қирғизистон ва Тожикистон билан товар айирбошлаш ҳажми ўн қарадан зиёдага ошиб, бу ҳажмнинг деярли ярми чегарадош ҳудудларга тўғри келмоқда. Шу боис чегаралардаги божхона пунктларини комплекс модернизация қилиш ва кенгайтириш, қулай, замонавий савдо ва логистика инфратузилмасини шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

Уч томонлама савдо майдончасини ташкил этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг доимий фаолият кўрсаткичи кўргазма-ярмаркасини йўлга қўйиш масаласини ўрганиш тақдир этилди.

Яна бир йўналиш - саноат кооперацияси лойиҳалари.

Бугунги кунда Ўзбекистон корхоналари ва хусусий компаниялари қўшни мамлакатларда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга фаол сармоя киритаётгани ва кооперацияни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиз раҳбари қўшма инвестиция жамғармалари капиталини босқичма-босқич оширишга тайёрлигини маълум қилди.

Учрашувда "яшил" энергетика ва транспорт соҳаларида йирик минтақавий лойиҳалар, сув ва экология дастурларини илгари суриш диққат марказида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ҳар йили Наврӯз байрами кунларида чегарадош ҳудудларда қўшма концерт ва дўстлик фестивалларини ўтказиш тақлифини илгари суриб, келгуси йилда бундай тадбирларни Фарғона шаҳрида ташкил этишга тайёрлигини билдирди.

Учрашув якунида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуктаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди ҳамда уч давлат раҳбарларининг Қўшма декларацияси қабул қилинди.

Раҳбарлар уч мамлакат давлат чегара-



лари туташган ҳудудда Дўстлик стеласини тантанали равишда очдилар.

Ушбу ёдгорлик қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамлаб бораётганининг янги рамзи бўлиши айtilди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳузурда ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ҳақидаги баённомани имзоладилар ва ратификация ёрликларини алмашдилар. Шартнома ўтган йили 18 апрель куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама саммитда имзоланган эди.

Ҳужжат ратификация ёрликлари алмашилган кундан эътиборан кучга кирди.

Президентимизнинг Тожикистонга амалий ташрифига партиямиз фаоллари ҳам ўз муносабатларини билдирди.

БУНЁДКОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАКОНИ

**Улўбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси
раҳбари:**

— Мамлакатнинг равнақ топиши, халқнинг фаровонлиги қўшни давлатлар ва халқлар билан дўст-у ҳамкор бўлиб яшашга узвий боғлиқдир. Айниқса, тарихи, иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти ва анъаналари бир-бирига жуда яқин бўлган Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги минтақада барча соҳалар ривожланиши учун долзарб аҳамиятга эга.

Тожикистонда Ўзбекистон, Қирғизистон ва мезбон давлат раҳбарларининг тарихий шартнома имзоланган уч томонлама учрашуви халқларимиз биродарлигининг яна бир олий ифодаси бўлганини қайд этиш жоиз. Халқларимизнинг қалбини янада яқинлаштирган, яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаган учрашув нафақат эски муаммоларни ҳал қилди, шу билан бирга, янги имкониятлар эшиклари кенг очилишига замин яратди. Баҳор шуқуҳи билан йўғрилган улўғ айём кунларидаги самимий учрашув учта давлатдаги катта-ю кичик давралардаги суҳбатларнинг асосий мавзусига айлангани ҳаммамизни фахр-у ифтихорга тўлдирди.

Учрашув давомидаги маърифий-маданий тадбирлар ён қўшни давлатларнинг бир-бирига ишончи ва хайрихоҳлиги янги даражага чиққанини бутун дунёга яна бир намоён этди. Таъкидлаш кераки, жаҳон ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар Марказий Осиё давлатларининг ҳамжиҳатлигини фаол қўллаб-қувватламоқда, турли форматларда ҳамкорликини кенгайтирмоқда. Мустақил ривожланиш тарихимизда илк бор уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуктаси тўғрисидаги шартнома имзоланиши халқларимизнинг тинчлик ва биродарлик сари доимий интилиши ифодаси бўлди.

**"БУНДАН БУЁН ЧЕГАРАЛАР –
БИРОДАРЛИК ЧИЗИКЛАРИ, ЯНГИ
ИМКОНИАТЛАР, БУНЁДКОРЛИК
ВА ҲАМКОРЛИК МАКОНИДИР",
ДЕДИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ.
ДАРҲАҚИҚАТ, КЕЙИНГИ
ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТЛАРИМИЗ
ЕТАКЧИЛАРИНИНГ ЮКСАК
СИЁСИЙ ИРОДАСИ, ЎЗАРО БИР-
БИРИНИ ТУШУНИБ ҲАРАКАТ
ҚИЛИШИ КўП ЙИЛЛИК
МУАММОЛАР САМАРАЛИ ЕЧИМ
ТОПИШИ ЙЎЛИДА МУСТАҲКАМ
АСОС ЯРАТИБ БЕРДИ.**

Асосийси, давлат раҳбарларининг дўстона муносабатлари халқларимизнинг бир-бирига нисбатан меҳрини юксалтириб келмоқда. Давлатимиз раҳбари уч мамлакат маданияти ва санъат усталарининг концертида халқларимизнинг муқаддас туپроғи, дини, тақдирини бирлиги, ташвиш-у қувончлари, интилишлари ўхшаш эканини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома кучга киргани, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида ҳам стратегик ҳамкорлик ривожланиётгани ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тубдан кенгайишига хизмат қилади.

Азалдан халқларимизнинг турмуш тарзи, иқтисодиёти ўхшаш бўлган ва бир-бирига боғлиқ бўлиб келган. Чегараларнинг эмин-эркинлиги, келишув ва англашувларнинг барқарорлиги давлатларимизнинг ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларига янги қувват ва шижоат қўшишига шубҳа йўқ. Барқарор даромад манбалари кенгайди, янги иш ўринлари кўпаяди. Халқларимиз ўртасидаги борди-келди муносабатларининг тобора мустаҳкамлаб бораётгани ижтимоий масалаларда ҳам янги натижаларни намоён қилади.

Уч томонлама учрашув доирасидаги музокараларда ишбилармонлик ва маданий алмашувлар учун қулай шароитлар яратиш, тўғридан-тўғри парвозлар сонини кўпайтириш, чегарадош ҳудудлардаги шаҳарлар ўртасида янги автобус йўналишларини йўлга қўйиш бўйича келишувларга эришилгани қайд этилди. Халқларимизнинг давлатлар ўртасида бе-малол ҳаракатланиши, ҳаёт ва фаолиятни ўзаро уйғунликда режалаштириши бутун Марказий Осиё минтақасининг юксалишини таъминлайди.

Халқларимизнинг бунёдкорлик қудрати билан бир-бирига талпиниши ён қўшни давлатларнинг иқтисодий қудрати ошишига ҳам муҳим кафолат бўлади. Тожикистон ва Қирғизистон давлатларининг миллий парламентлари билан Ўзбекистон парламенти ўртасида изчил демократик мулоқот муҳити ривожланиб бораётгани ҳамкорлигимизнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ўзига хос ҳисса қўшмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Халқ демократик партиясининг ташқи сиёсат билан боғлиқ позициясида Марказий Осиё давлатлари билан стратегик ҳамкорликни ривожлантириб бориш энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шунинг учун биз бу борадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиш, уларнинг ҳаётга тўлиқ татбиқ этилишида фаол иштирок этишга интиламиз.

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ЯҚДИЛ ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎЛ

**Шоҳруҳ ҲАММОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона
вилоят кенгаши раиси:**

— Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуктаси тўғрисидаги тарихий шартноманинг имзоланиши минтақадаги узоқ йиллик чегара масалаларини ҳал этишда муҳим қадам бўлди. Йиллар давомида халқларимизни қийнаб келган муаммога Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг тарихий келишуви нукта қўйди, десак муболаға бўлмайди. 31 март куни Хўжанд шаҳрида уч давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ушбу ҳужжат Марказий Осиёдаги барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонамиз.

Тарихий жиҳатдан собиқ Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг, Марказий Осиё давлатлари ўртасида чегараларни белгилаш масалалари мураккаб бўлиб келган. Бу ҳолат баъзида чегарадош ҳудудларда низоларни келтириб чиқарган. Юқоридаги шартноманинг имзоланиши ана шундай муаммоларни бартараф этиш ва халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, Фарғона вилоятининг чегарадош ҳудудларидаги фуқаролар ушбу янгиликни хурсандчилик билан қабул қилишди. Чегара постларининг қайта очилиши, транспорт алоқаларининг тикланиши ва савдо-сотикнинг ривожланиши маҳаллий аҳоли учун янги имкониятлар яратади.

Қардош халқларнинг бирлашуви Марказий Осиёда ҳамкорлиқнинг янги йўлини кашф қилмоқда. Чегаралар очилди — қалблар яқинлашди! Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларининг ушбу дипломатик ҳаракати: уч давлат, бир мақсад, умумий келажак учун муҳим қадам бўлди.

Ижтимоий тармоқларда ҳам қардош халқлар ўртасидаги муносабатлар илиқ ва қувончли. Фойдаланувчилар ушбу тарихий воқеани олқишлаб, уни минтақадаги тинчлик ва барқарорликка қўйилган муҳим ҳисса сифатида баҳоламоқда. Кўплаб изоҳларда халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига умид билдирилмоқда.

Минтақаларнинг бой маданий ва табиий мероси туристлар учун жозибадор бўлиб, чегараларнинг очилиши туризм соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Бу шартнома қоғоздаги битим эмас, у халқлар тақдирига ёзилган янгилик, бу фақатгина чегара келишуви эмас, бу ўзаро ишонч ва яқдил тараққиётга қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**





Inter-Parliamentary Union

Жорий йил 5-9 апрель кунлари Ўзбекистон яна бир йирик халқаро тadbирга мезбонлик қилади. Парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси Марказий Осиё минтақасида илк бор юртимизда ўтказилади.

Дунёнинг 180 парламенти бирлаштирилган ушбу нуфузли тузилма парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий таърибасига эга мамлакатларда ўзининг олий органи — Ассамблея йиғилишларини ўтказди. Қўлами ва аҳамиятига кўра мазкур йирик анжуманинг мамлакатимизда ўтиши Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва парламентаризмни ривожлантириш борасидаги сазъ-ҳаракатлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётганини яна бир қарра тасдиқлайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, инклюзив парламентларни ривожлантириш, барқарор ва инновацион парламентларни қўллаб-қувватлаш, коллектив парламент фаолиятини кучайтириш каби мақсадларни ўз олдига қўйган Парламентлараро итти-

ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ УЧУН

фоққа Ўзбекистон 1992 йилда аъзо бўлган. Жаҳон мамлакатлари парламентлари етакчилари ва аъзолари Ўзбекистонда жам бўлиши парламентлараро муносабатлар янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

2 мингга яқин делегатлар иштирок этиши кутилаётган ўзига хос юбилей ассамблеяси "Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати" мавзусида ўтказилади. Унинг туркум йиғилишларида жаҳон мамлакатлари парламентлари делегациялари қатори йўналишларда муҳокамалар олиб борадилар. Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбағалликни қисқартириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, илм-фан, технологияни ривожлантириш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш каби долзарб масалалар кўриб чиқиши назарда тутилган.

Парламентлараро иттифоқ ассамблеяси турли давлатлар билан қонунчилик соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва янги ташаббусларни илгари суриш учун муҳим платформа вазифасини ҳам бажаради.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш ва минтақавий барқарорликни таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатида устувор




йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Ассамблея доирасида Марказий Осиё масалалари, чегара хавфсизлиги, иқтисодий ривожланиш ва экологик муаммоларга эътибор қаратилиши кутилмоқда.

Яна бир жиҳати, жаҳоннинг турли нуқталаридан келган делегатлар Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий мероси билан, кейинги йиллардаги ўзгаришлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбекистонда давлат бошқарувини модернизация қилиш ва электрон ҳукумат тизимини жорий этиш бўйича кенг

қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу маънода рақамли парламент, давлат хизматларини рақамлаштириш ва коррупцияга қарши курашиш каби масалалар ҳам ассамблеянинг кун тартибидан ўрин олган. Бу Ўзбекистоннинг ушбу йўналишлардаги таърибасини бойитишга ва янги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишига замин яратади.

Шокиржон АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзДП фракцияси аъзоси.



МИЛЛИЙ КОНТЕНТ: ЗАРУРАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бугунги глобаллашув жараёни, табиийки, илмий-техникавий ютуқлар билан бирга айрим салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бошқача айтганда, замонавий дунёга интеграциялашув миллий қадриятларимизни, бой маънавий мерос, урф-одат ва анъаналаримизни сақлаш, ўзлигимизни англашга бўлган иродаимизни кучли синовдан ўтказмоқда. Айниқса, ахборот хуружлари шиддатли тус олмоқда.

Шу маънода ахборот хавфсизлигини таъминлаш миллий хавфсизлик соҳасида устувор вазифалардан бирига айланди. Мана шундай қалтис вазиятда ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш учун миллий контент яратиш, уни тўғри шакллантира олиш долзарб бўлиб қоляпти. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йил 12 январь куни Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ахборот хавфсизлиги масалаларига тўхталиб, Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишдаги ташаббусни сақлаб қолиш кераклигига алоҳида тўхталгани ҳам бежиз эмас.

Хўш, Президент урғу берган миллий контент тушунчаси ўзи нима? У қандай бўлиши керак?

"Миллий контент" деганда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини кўзлаган тарзда дунё ва мамлакат ичидаги воқеа-ҳодисаларга холис баҳо бера оладиган ахборот майдони назарда тутилади. Демак, миллий контент – бу Ўзбекистон ичидаги сифатли медиамакон. Унга эҳтиёж бугун ҳар қачонгидан юқоридир.

Агар биз миллий контент яратмасак, одамларимиз четдан ахборот олишга мажбур бўлади. Ваҳоланки, ташқаридан туриб ёритилган ахборот ҳар доим тўғри, холисона бўлавермайди. Зотан, биз эркин ахборотлашган жамият кураямиз. Олдинги даврлардагидек, кимдир оқ деса ок, қора деса, қора, деб қўл қовуштириб ўтирадиган замон эмас ҳозир.

Энди ҳар бир ўқувчи ахборотни ўзи танлайди. Нима қизиқ бўлса, нимага ишонса, ўшани ўқийди. Демак, журналистларимиз бир пайтлардаги каби текширилмаган ахборот ёки жамият учун долзарб бўлмаган мавзуларга мурожаат қилиши энди асло мумкин эмас. Шу билан бирга, аҳоли онги ва дунёқарашини кенгайтирайдиган, уларга наф келтирадиган материалларни тайёрлаш, уларни ҳақчил тарзда етказиш масъулиятини бўйнига олишлари зарур. Кўнгилочар ёки негатив ахборотлар, албатта, одамларни психологик жиҳатдан кўпроқ қизиқтиради. Аммо, ҳақиқий объектив ёритилган мавзуларга жамиятда

ҳамиша эҳтиёж юқори бўлади. ОАВда, Интернет нашрлари, керак бўлса, ижтимоий тармоқларда ана шундай чиқишларни қилиш орқали миллий контент сифатини ошириш лозим. Бу ўринда фақат мақтов, баландпарвоз чақириқлар билан йўғрилган мақолалар, кўрсатувлар тайёрлаш назарда тутилмапти. Бунга мутлақо қаршимиз. Аксинча, энди сифатли контент таркибидан таҳлил асосий ўрин эгаллаши шарт.

Маълумки, инфорацион дунёда фейк ахборотлар кўпайиб кетяпти. Оддий ўқувчи эмас, журналист, блогерларимизнинг ўзи ҳам билиб-билмай текширилмаган ахборотни тарқатишда иштирок этаётган ҳолатлар бор. Бундан кейин хавф янада ортса ортадики, камаймайди. Чунки медиамаконга сунъий ақл кириб келмоқда.

Яқинда Парижда ташкиллаштирилган медиасаводхонлик мавзусидаги халқаро анжуманда шу масала кўтарилди. Дунёнинг 35 мамлакатидан 400 нафар мутахассис иштирок этган халқаро конференцияда фейк хабарларидан ҳимояланиш, таҳририятда фактчекингни йўлга қўйиш таклифи илгари сурилди. Бу таърибани бизда ҳам жорий этиш фурсати аллақачон келган.

Қолаверса, миллий контент яратиш ғоясини айрим журналист ва блогерлар нотўғри тушуниб, назорат, деб талқин қилишяпти. Бу — хато хулоса. Миллий контент асло эркин матбуотни назорат қилиш дегани эмас.

ОАВни миллий контент билан тўлдиршида журналистлар, адабиёт, санъат ва маданият намояндalари билан бир қаторда халқ вакиллари ҳам иштирок этиши айни муддао.

Биз Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари, депутатлар ва фаоллар сифатли миллий контентлар яратиш орқали миллий қадрият, маънавият, урф-одат, анъана ва бой тарихимизни тарғиб қилишга ва шу орқали ижтимоий давлат қурилишига ўз ҳиссамизни қўшимиз учун масъул эканимизни унутмаслигимиз керак.

Феруза РАҲИМОВА,
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати.

ТЎСИҚСИЗ ҲАЁТ

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий хизматдан фойдаланишини таъминлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини ҳал этишга яқиндан ёрдам бериш Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғоя ва мақсадлари билан уйғундир.

Президентимизнинг 2025 йил 3 февралдаги "Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури ижросини таъминлаш, ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш қўламини кенгайтириш орқали оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи сабабларни бартараф этиш юзасидан муҳим вазифалар белгиланди. Жумладан, ногиронлиги бўлган болаларнинг оила қарамогиди қолишини кафолатлаш ва ижтимоий етимликнинг олдини олиш мақсадида 2025 йил 1 мартдан бошлаб таърибасино тариқасида босқичма-босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида, 2025 йил 1 октябрга қадар республиканинг қолган ҳудудларида 3 ёшдан 18 ёшгача ўғил-қизлар учун давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилади.



Яна бир муҳим жиҳат, жорий йилда 40 та туманда реабилитация, соғломлаштириш ва ногиронлиги борларга қаровчиларни ўқитиш бўйича кўп тармоқли ижтимоий хизматлар марказлари ишга туширилмоқда. Бу ўз навбатида ижтимоий кўмакка муҳтож инсонлар турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга "тўсиқсиз ҳаёт" яратиш долзарб масала эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ногиронлиги бўлган шахсларга ишлаш ва касб-хунарга ўқишда тўсиқсиз муҳит яратиш учун уларнинг "меҳнатга лаёқатини белгилаш" амалиётидан воз кечилиб, ногиронлик касалликка қараб эмас, балки шахснинг моддий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари йўлга қўйилмагани, олий таълим муассасалари ва мактаблар бинолари ҳамма жойда ҳам ногиронлиги бўлган шахслар мустақил ҳаракатланиши учун қўлай эмаслиги, таълим муассасаларида Брайл алифбосидаги дарсликлар камлиги шулар жумласидандир.

Шу нуқтаи назардан вилоят ва туманларда бино ва иншоотларни қуриш лойиҳалари ногиронлиги бўлганлар

учун қўлай муҳит яратилганлиги бўйича ҳам мажбурий экспертизадан ўтказилиши, жамоат транспорти, бекатлар ва чорраҳаларда улар учун тўсиқсиз муҳит яратиш чораларини жадаллаштириш ижтимоий инклюзивликни оширишга имкон беради.

Айтиш жоизки, партияимиз депутатлари ва фаоллари Фарғона вилоятида ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий ҳуқуқларидан кенг фойдаланиши учун яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Шу билан бирга юқоридаги қарорнинг аҳамиятини жамоатчиликка етказиш, ногиронлиги бўлган болалар кундузги парвариш хизматига қай тартибда қабул қилиниши бўйича тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

2025 йил 1 сентябрга қадар болаларнинг ривожланишида кузатиладиган нуқсонларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида комплекс ижтимоий-тиббий ёрдам билан қамраб олиш, уларда ногиронликнинг олдини олиш ҳамда ногиронлиги бўлган болаларда муваффақиятли ижтимоийлашувни таъминлашга қўмаклашувчи "Болалар саломатлиги" ахборот тизимини жорий этиш масаласи ҳам диққат марказимизда турибди. Бунинг учун Тошлоқ тумани 45-Заркент округи ҳудудида рўйхатга олинган болалар учун тиббий, реабилитация, таълим, ижтимоий хизматлар кўрсатиш борасида ҳудудлардаги поликлиникалар ҳамда таълим муассасалари вакиллари билан ҳамкорликда тегишли вазифалар белгиланмоқда.

Анвархон НАБИЕВ,
халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати.

ХДП ФАОЛЛАРИ – ХУДУДЛАРДА



ҚИЗГИН ЖАРАЁН БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кўриниб турибдики, вилоятни ижтимоий-иқтисодий раванқ топтириш имконияти юқори. Худудда sanoat, тadbиркорлик, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиёт бўйича илгор инновацияларни жорий қилиш ҳамда транзит салоҳияти mavjud. Бироқ, шу йилнинг 25 февраль кунини давлат раҳбари Сирдарё вилоятини иқтисодий ривожлантириш, иш ўринлари ва инвестицияларни кўпайтириш бўйича 2025 йилги режалар муҳокамаи юзасидан ўтказган йиғилишида таъкидланганидек, худудда sanoat, savdo ва хизмат кўрсатиш тармоқларида олдинга силжиш суств. Хусусан, Сирдарёда хизмат кўрсатиш соҳасининг республикадаги улуши энг паст ўринда. Камбағаллик даражаси 11 фоиздан кўп. 22 минг нафар фуқаро ишсиз. Бу далиллар сирдарёликлар турмуш даражасини яхшилаш, уларни бугунги кундан рози қилиш, вилоят ҳаётида том маънода янги саҳифа очиш учун ҳали олдинда кўп ишлар кутиб турганини англатади.

Аёнки, бундай кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда халқ вакилларининг ўрни ва иштироки жуда муҳим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва партия Марказий Кенгаши вакиллари Сирдарё вилоятида бўлди. Улар вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари билан бирга, ишчи гуруҳи таркибида Сирдарёда камбағалликни қисқартириш, бандликни ошириш, таълимни ривожлантириш, сифатли тиббиётни халққа яқинлаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, пенсия тайинлаш жараёнидаги масалаларни атрофлича ўргандилар.

Ўрганиш ва назорат-таҳлил ишлари асносида ютуқлар эътироф этилди, аниқланган муаммолар ечим юзасидан асосли тақлифлар илгари сурилди. Туман ва шаҳарларда кенг аҳоли вакиллари, партия электорати билан учрашувлар ҳам ўтказилиб, оддий одамларни ўйлантираётган масалалар, муурожаатлар тингандилар.

Мазкур қизгин жараён ҳақида, ўрганиш натижалари моҳияти ва аҳамияти, шунингдек, ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг Сирдарё вилоятидаги ижроси борасида фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида партиямиз вакилларига юзландилар.

Мақсуда ВОРИСОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

- Сирдарё вилояти ижтимоий ҳаётидаги сўнгги ўзгаришлар хусусида гап кетганда, айниқса, худудда тиббий хизмат сифатини ошириш, халқ саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида қувонарли натижаларга эришилаётганини таъкидлаш мумкин эмас.

Хабарингиз бор, ҳозирги кунда дунёдаги кўпгина ривожланган давлатларда татбиқ этилган, аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатишнинг янги усули - давлат тиббий суғурта тизимини жорий қилиш билан боғлиқ тажриба-синов ишлари биринчилар қа-

ка" ва "Электрон шифохона" платформалари ишга туширилган. Бу эса ўз навбатида беморлар ва тиббиёт ходимлари учун ортиқча оворагарчилик ҳамда қоғозбозликларга чек қўйиб, сифатли тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш имконини бермоқда.

Соҳани рақамлаштириш чора-тадбирлари биринчи галда фуқароларнинг вақтини ва нақдини тежашга хизмат қилаётганини кўрдик. Дейлик, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномаси учун талаб этиладиган тиббий маълумотномаларни онлайн тарзда олиш имконияти яратилган аҳоли учун ҳар томонлама қўлайли яратмоқда.

Ёки вилоят тиббиёт муассасаларида медикаментоз воситалари билан самарали ва хавфсиз даволашни ташкил этиш ҳамда шифокорларнинг электрон реестрини шакллантиришга мўлжалланган «Электрон рецепт» ахборот тизими йўлга қўйилган.

Худудларда электрон йўлланма олиш тартибига ўтилган касалликнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб имтиёзли тоифага эга бўлган шахсларни навбатга қўйиш ва даволашга йўналтириш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнларида шаффофликни таъминламоқда.

Вилоятда давлат тиббий суғуртаси механизми жорий этиш тadbирларини молиялаштириш учун 5 миллиард сўм миқдоридagi маблағ ажратилиши назарда тутилган.

Бугунги кунда халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори асосида юқоридаги маблағнинг ярми вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳисоб рақамига ўтказиб берилган. Маҳаллий бюджет томонидан ажратилган 5 миллиард сўм миқдоридagi маблағ ҳисобига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жами 750 донa моноблок сотиб олиниши ва вилоят тиббиёт муассасаларида етказиб берилиши режалаштирилган.

Касалликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг бирламчи бўлинида малакали ва сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, аҳолининг саломатлик даражасини, ўртача умр кўриш давомийлигини оширишда давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий қилиш энг тўғри йўлди. Халқро амалиётдаги илгор тажрибалар бунини тасдиқлайди. Сирдарё вилоятида мазкур соҳада қўлга киритилаётган ижобий натижалар республикамизнинг бошқа худудларида ҳам бошқича-бошқич давлат тиббий суғуртаси тизимига ўтишда тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Халқ саломатлиги - мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўғридан-тўғри таъсир этувчи омиллардан бири. Шу боис соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳар қандай ютуқ қанчалар аҳамиятли бўлса, ҳар қандай кичик муаммога ҳам шунчалар эътибор қаратиш лозим бўлади.

энергетика, қурилиш, тadbиркорлик сезиларли ривожланди. Томорқа деҳқончилигини кенгайтириш, кичик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш орқали эҳтиёжманд қатламларни камбағалликдан чиқариш бўйича Сайхунобод тажрибаси республикамиз худудларида татбиқ қилинмоқда.

Лекин бутун дунёда бўлаётгани каби юртимизда ҳам иқтисодий шарт-шароитлар тез ўзгармоқда. Давлатнинг уч қарра ошган ижтимоий мажбуриятлари амалиётда исботини топиши учун инвестицияларни кўпайтириш, sanoat ва бизнес-муҳитни яхшилаш, камбағалликни қисқартириш чора-тадбирларини жадаллаштириш зарур.

Вилоят туманларида бўлган чоғимизда бунини яна бир бор ҳис қилдик. Ўрганиш ишлари партиямизнинг Сайловолди дастури ва сиёсий позициясидан келиб чиқиб, худудлар ва туманлар кесимида тегишли йўналишларда олиб борилди. Ногиронлиги бўлган шахслар манфаатларини кафолатлаш, пенсия тайинлаш жараёнида учрайдиган муаммоларни баргараф этиш, таълим соҳасидаги камчиликларни аниқлаш ва зарур чораларни кўриш, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш, субсидиялар ажратиш, бандлик даражасини яхшилаш, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш, сифатли ижтимоий, коммунал ва хизматлар кўрсатиш ҳолатларига диққат қаратилди.

Хусусан, Сардоба туманида ишсизлик даражасини 5,5 фоиз (ўтган йили 6,1 фоизни ташкил этган)га тушириш учун муайян ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлдик. Бунинг учун ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш, тadbиркорликка жалб қилишга кенг урғу берилмоқда. Туманда sanoat ишлаб чиқариш корхоналарининг нисбатан камлиги ҳамда mavjud корхоналарда иш ҳақи миқдорини ишчи-ҳодимларнинг қониқмаётган ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Яна бир жиҳатни айтиб ўтиш керак. Туманда фуқаролардан ишсизлик нафақаси олиш учун my.gov.uz порталига жуда кўп муурожаатлар келиб тушаётгани маълум бўлди. Фуқаролар иш эмас, айнан ишсизлик нафақасини сўраб муурожаат қилишаётгани аҳоли ўртасида боқимандалик кайфияти тўла барҳам топмаганини кўрсатади. Мазкур вазиятда меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқароларнинг меҳнат бозоридa ўз ўрнини топишга қаратилган амалий ва тарғибот ишларини жонлантириш, бунинг учун маҳалла еттиликдан тортиб маҳаллий ҳокимлик вакиллари, қолаверса, маҳаллий Кенгаш депутатлари фаоллик, ташаббускорлик ортиши керак.



ЎРГАНИШ ВА НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ИШЛАРИ АСНОСИДА ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ, АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР ЕЧИМИ ЮЗАСИДАН АСОСЛИ ТАҚЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ. ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРДА КЕНГ АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИ, ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР ҲАМ ЎТКАЗИЛИБ, ОДДИЙ ОДАМЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАР, МУРОЖААТЛАР ТИНГЛАНДИ.

Тумандаги таълим тизими умумий ҳолати таҳлил қилинганда, сўнгги пайтларда эътирофга лойиқ натижалар қўлга киритилаётгани ойдинлашди. Бунга мисол тариқасида мактаб битирувчиларининг олий таълимга қамрови йилдан-йилга ошиб бораётганини келтириш мумкин. 2024 йилда мактаб битирувчиларининг 46,7 фоизи давлат ва нодавлат ОТМга ўқишга киргани - бу бир замонлар бармоқ билан санарли сардобалик йигит-қизлар талаба бўлгани билан қиёсласак - ижобий қадамдир.

Ёки 3-7 ёшли болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига қамрови даражаси 86,8 фоизга етгани, бу қамровни оширишда хусусий сектор иштироки ошаётгани ҳам эътиборга молик.

Шу билан бирга туманда таълим сифатини ошириш учун юксак тажрибага эга педагог кадрларни танлов асосида қабул қилиш, мактабларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш, сунъий интеллект, робототехника ва шахмат йўналишларида тўғарақларни ташкил қилиш, бир сўз билан айтганда, мактаб таълимини замон талабларига мос равишда юқори поғонага олиб чиқиш учун долзарб вазифалар ўз ечимини кутмоқда. Бундан ташқари, тумандаги жами 21 та умумтаълим мактабининг 11 тасида шарт-шароитлар кўн-

гилдагидек. Қолганларида эса таъмирлаш, ободонлаштириш, канализация тизимларини яхшилашга зарурат бор.

Худди шундай, туманда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, улар учун хавфсиз ва қўлай муҳит яратиш, инклюзив таълимни ривожлантириш, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш йўналишларида ҳам залворли натижаларни, ҳам маълум бир бўшлиқ ва муаммоларни ўргандик. Шу асосда ўз тақлифларимизни ишлаб чиқдик. Партиямиз ишчи гуруҳи томонидан бу йўналишларда қатор чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилди. Чунки юқоридаги масалалар партиямиз электорати манфаатлари билан боғлиқ ва бунга шунчаки қараб бўлмайдик.

Баҳодир КАМАЛОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши шўъба мудир:

-Янгиер шахрида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, аҳоли муурожаатлари билан ишлаш, камбағалликни қисқартириш саъй-ҳаракатлари билан танишиш жараёнида шахсан менинг эътиборимни тортган бир жиҳатни айтиб ўтишим керак.

Маълумки, хорижда ишлаб қайтган мигрантларни ва уларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлаш, уларнинг эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиқиб, маҳаллий меҳнат бозоридa ўз муносиб ўрнини топиши учун замонавий хизматлар кўрсатиш кун тартибидagi масалалардан биридир.

Янгиер шахрида 2024 йил давомида 2 минг 314 нафар мигрант хориждан қайтган бўлиб, уларнинг 75,8 фоизи бандлиги таъминланган. Сирдарё вилоятининг бошқа шаҳар ва туманлари билан таққослаганда, нормал кўрсаткич, бироқ бунини янада кўтариш имконияти йўқ эмас. Яъни, имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашиш, Бандликка кўмаклашиш жағфармасидан субсидиялар ажратиш орқали меҳнат мигрантларини кичик бизнесга жалб қилиш мумкин. Бироқ ўрганишлар давомида бу йўналишда Янгиерда бирорта натижа йўқлигини кўрдик. Худди шундай ҳолат Гулистон шахри, Оқолтин ва Ховос туманларида ҳам кузатилган.

Демак, хориждан қайтган мигрантлар билан ишлашда маҳалла институти, ҳокимликлар, бандликка кўмаклашиш марказлари жиддийроқ ёндашиши ҳаётий зарурат бўлиб қолмоқда.

Сирдарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик ва ўрта бизнеснинг улушини кўпайтириш учун имкониятлар беқиёс. Халқаро автомагистрал йўлида жойлашган Янгиер шахрида ҳам замонавий сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида кичик бизнес лойиҳаларини амалга ошириш, бунинг учун хориждан қайтган ва имкон қадар Ватандан, оиласи бағридан узоққа кетмай, даромад топиш илинжида юрган мигрантларнинг қизиқиши ва интилишини рағбатлантириш ҳар қачонгидан муҳим.

Янгиер шахрида бугунги кунда ишсизлар сони 1,1 минг нафар бўлиб, уларни муқим ва даромадли иш жойлари билан таъминлаш чоралари кўриляётганини ҳам қайди этиш керак. Бундан ташқари, ишга талабгорларни касб-хунарга ўқитиш борасида ҳам самарали тизим йўлга қўйилган. Шу билан бирга, боя айтиб ўтганимдек, худудда бандлик даражасини ошириш ва камбағалликни қисқартириш учун кичик ва ўрта бизнес вакиллари сафини кенгайтириш энг оқилона ечим бўлур эди, бизнингча.

Кичик бизнесни ривожлантириш айна пайтда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, соҳада жуда кенг имкониятлар эшиги очилмоқда. Бундан тўғри фойдаланиш, аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар - ишсиз аёлларни, ёшларни тadbиркорликка йўналтириб, "оёққа туриб олишлари" учун кўмаклашиш халқ вакиллари зиммасига ҳам жиддий масъулият юклайди.

Сирдарё вилояти шаҳар-туманларида ўрганиш ишларини олиб борганимизда оддий одамларнинг қувонч ва ташвишлари билан қизиқдик. Факт ва рақамларни таҳлил қилдик.

Умуман олганда, ишчи гуруҳи барча белгиланган йўналишларда назорат-таҳлил ишларини олиб бориши чоғида дуч келинган ҳар бир муаммони партия гуруҳи билан чўқур ўрганиб, депутатлик сўрови юбориш, қатор масалаларда эса қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлашни белгилаб олди.

Парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантиришга қаратилган бундай тadbирлар жойларда ҳақиқий аҳволни ўрганиш ҳамда халқчил, янги ислохотлар руҳига мос қонунчилик ташаббусларини илгари суришда хал қилувчи роль ўйнамоқда.

Фарида МАҲҚАМОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.



торидa Сирдарё вилоятида йўлга қўйилиб, айни вақтда ўз натижасини бера бошлаганига ишонч ҳосил қилдик.


Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 сентябрдаги "Давлат тиббий суғуртаси механизми жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги тиббиёт муассасаларида DMED электрон тизими (бу тизим тиббий хизмат сифатини оптималлаштириш ва яхшилаш учун комплекс ечимлар тақлиф этиди)га ўтиш мақсадида тўлиқ локал тармоқ тортиш ишлари амалга оширилган. Барча бирламчи ва даволаш муассасалари янги компьютер техникалари, Интернет ҳамда бошқа қурилмалар билан таъминланган. "Электрон поликлини-

Мавжуда ҲАСАНОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

- Сирдарё вилояти яқин-яқин йилларгача фақат аграр худуд бўлиб, sanoat, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари бирмунча орқада эди. Шунга яраша шаҳар ва туманларида инфратузилма, аҳоли турмуш даражаси ҳам мактагулик бўлмаган, гарчи географик жиҳатдан Ўзбекистоннинг марказий қисмида, бир неча халқаро автомагистрал кесиммасида жойлашган ва пойтахтга қўшни бўлса-да... Бугун катта ўзгаришлар билан юзма-юз келмоқда. Айниқса, кейинги йилларда Сирдарёда

ДЕПУТАТ БИЛАН САЙЛОВЧИ ЎРТАСИДА ЭЛЕКТРОН МУЛОҚОТ МАЙДОНИ ЯРАТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)



Шу маънода бугун Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўйбга чиқариш, маҳаллий Кенгашларни халқнинг ҳақиқий овозига, минбарига айлантириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар амалда ўз натижасини бера бошлади. Худудлар тақдирини билан боғлиқ қарорларни бир киши эмас, кўпчиликнинг фикри билан қабул қилиш бўйича анча яхши натижаларга эришилди.

Хусусан, вакиллик органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, депутатлар ва сайловчилар ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш, Кенгашлар фаолиятини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси Кенгашларнинг салоҳияти, масъулияти ошишига, тизимда шаффофлик таъминланишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, бу аҳоли учун ҳам қўлайлик туғдиради.

Шубҳасиз, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини рақамлаштириш нафақат аҳоли томонидан шаффофлик ва ишончни ошириш воситаси, балки маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг янада самарали ва технологик жиҳатдан илғор тизимини яратиш йўлидаги муҳим қадам ҳисобланади.

Шу мақсадда 2030 йилга қадар маҳаллий Кенгашлар фаолиятида жамоатчилик иштироки учун зарур шароитларни яратиш, фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш, уларнинг фаолиятини boskичма-боскич рақамлаштириш белгиланмоқда.

Янгиланган Бош қонунимиздан сўнг қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, Конституция нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш чоралари белгиланди. Бу борада Президентимизнинг 2024 йил 2 февралдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони алоҳида аҳамиятга эга, албатта.

Фармон билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини "Кучли кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким" тамойили асосида ташкил этиш юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Фармонда ҳам ушбу концепцияни ишлаб чиқишда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, бюрократияга қарши чораларни кўришни асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаш назарда тутилган.


Ўтган йиллар давомида маҳаллий Кенгашлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда улар фаолиятини рақамлаштириш борасида муҳим қадамлар ташланди.

Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 16 июндаги Фармони талаблари асосида 2021 йил 1 декабрдан бошлаб халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиялари телеканаллар ҳамда Интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилиши йўлга қўйилди.

Жонли эфир орқали сайловчиларнинг маҳаллий Кенгаш сессияларида муҳокама қилинаётган масалалардан хабардорлиги таъминланмоқда.

Шунингдек, бу тизим депутатларни ҳам ҳушёрликка қорлаб, сайлов округидаги муаммоларни сессия кун тартибига олиб чиқишга ва ижро ҳокимияти тизимидан унинг ижросини талаб қилишдаги масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда.

"Kengash.gov.uz" портали



Адлия вазирлигининг "E-qaror" ягона электрон тизими фаолияти йўлга қўйилиб, маҳаллий давлат ҳокимияти, хусусан, маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинаётган қарорлар барча танишиб чиқиши учун эълон қилиб борилмоқда.

Соҳани рақамлаштириш орқали маҳаллий Кенгаш қарорларини қабул қилишда кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлашга шароитлар яратилиб келинмоқда.

Жумладан, regulation.gov.uz норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида маҳаллий Кенгашларнинг бюджет ва унинг маблағларини тақсимлаш, аҳоли пунктларини қайта номлаш, маҳаллий солиқ ва турли йиғимларни белгилаш каби аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатадиган қарор лойиҳалари кенг жамоатчилик муҳокамаларига қўйилиб, улардан олинган таклифлар асосида қарор қабул қилинмоқда.

Рақамлаштириш борасида жорий қилинган энг яхши ташаббуслардан бири сифатида "Kengash.gov.uz" маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари портали фаолияти йўлга қўйилганлигини келтириб ўтишимиз мумкин.

Ушбу портални ишга тушириш орқали сайловчиларга маҳаллий Кенгашлар фаолиятига доир аниқликлар ва қабул қилинган қарорлар билан танишиб бориш каби бир қатор қўлайликлар имконияти яратилди.

Порталнинг сайловчилар учун энг қўлай жиҳати, барча даражадаги сайланган депутатлар рўйхати, уларнинг сайлов округлари ва уларга кирадиган маҳаллалар номи, сайловчининг депутатга мурожаат юбориш ва унинг қабулига ёзилиш имконияти яратилган.

Портал депутатларга ҳам бир қатор қўлайликлар яратиб, депутат порталдаги шахсий кабинетини орқали сайлов округи ҳудудида аниқланган муаммоларни бартараф этиш учун бир пайтлар қоғоз шаклда юбориладиган депутат сўровларини эндиликда электрон шаклда Кенгашга юбориши ва уни Кенгаш рўйхатидан ўтказиши ҳамда унинг натижаларини электрон шаклда олиш тизими йўлга қўйилди.

ни электрон шаклда олиш тизими йўлга қўйилди.

Бошқа давлатларда қандай?

Албатта, тизимни рақамлаштириб бориш билан барча муаммоларга самарали ечим топилапти, деб бўлмайди. Ушбу



Маҳаллий Кенгашларда

ЧИРЧИҚДА ДЕПУТАТ ВА ЁШЛАР УЧРАШДИ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДА "ЁШЛАР ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУЎЁДКОРЛАРИ" МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ Қ.ҚОСИМОВА, ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ЁШЛАР СЕКТОРИ РАҲБАРИ М.НИЗОМИДДИНОВ, ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ РАИСИ М.ҲАМЗАЕВ ҲАМДА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ МАСЪУЛЛАРИ, ФАОЛ ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Таъкидланганидек, бугунги кунда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, уларни мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчиси, жамиятнинг ҳақиқий таянчига айлантириш устувор ҳамда стратегик вазифаларидан биридир. Шунингдек, ёшларга ажрати-

лаётган имтиёзли кредитлардан мақсадли фойдаланиб, муҳим ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали ёшлар бандлигини таъминлаш муҳим саналади.

Тадбир якунида партиянинг ҳақиқий таянчига айлантириш устувор ҳамда стратегик вазифаларидан биридир. Шунингдек, ёшларга ажрати-

ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ РОМИТАН ТУМАНИ КЕНГАШИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ "ҲОФИЗРАБОТ" МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ БИР ГУРУҲ ФУҚАРОНИНГ МУРОЖАТИНИ ҲАМДА ДЕБ ХАБАР ҚИЛАДИ БУХОРО ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ. ҲАБАРДА ТАЪКИДЛАНИШИЧА, ДЕПУТАТЛАР МАВЖУД МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ОЛГАН.

Хусусан, тумандаги йўл инфратузилмасини яхшилаш мақсадида маҳаллада 2 км йўлни шағаллаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу ташаббус маҳаллий аҳолининг транспортда ҳаракатланиши учун қўлайлик яратиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва

яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган.

Депутатлар ушбу лойиҳанинг амалга оширилишини назорат қилиб боради ва келгусида маҳалладаги бошқа инфратузилма масалаларини ҳал этиш юзасидан чоралар кўрилишини маълум қилишди.

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ: ТИББИЙ КЎРИК ВА ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚОРАЎЗАК ТУМАНИ КЕНГАШИ РАИСИ, ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ, ПАРТИЯ ГУРУҲИ РАҲБАРИ Р.КАРМИСОВАНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ҲУДУД ФУҚАРОЛАРИГА "СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ХАЛҚРО ХАЙРИЯ ФОНДИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси ҳудуддаги боқувчисини йўқотган кексалар, нуруний отахон ва онахонлар, туғиш ёшидаги аёллар, эҳтиёжманд фуқароларга Бердақ овули фуқаролар йиғинидаги қишлоқ врачлик пунктида бепул тиббий хизматлар ва мурувват ёрдани кўрсатди. Шу кунги туман

тиббиёт бирлашмаси шифокорлари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриқ зарур дори-дармонлар, кўзойнақлар ва санитария-гигиена воситалари тарқатилди.

Бундан ташқари, 12 нафар вояга етмаган, 3 нафар нуғиронлиги бўлган ёшга кийим-кечак ва бошқа байрам совғалари топширилди.

БЕКТЕМИРДА ЯНГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ


ЎЗБЕКИСТОН ХДП БЕКТЕМИР ТУМАНИ КЕНГАШИ «БЕК-АВТОМАКТАБ»ДА ЯНГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИ ТУЗДИ.



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бектемир туман кенгаши томонидан "Бек-Автоматкаб" ташкилотидан тарғибот тадбири олиб борилди. Суҳбат давомида партиянинг мақсад ва вазифалари, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумотлар берилди. Олиб борилган ишларнинг на-

тижаси ўлароқ, "Бек-Автоматкаб" ташкилотидан янги бошланғич партия ташкилоти тузилди. Шу муносабат билан ташкилот ходимларига партия аъзолиги гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати



Мухриддин АСЛОНОВ, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази Бухоро вилояти ҳудудий бўлими бос мухассиси.

СЎЗ – ЎЗХДП ЕТАКЧИЛАРИГА!

Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси:

“ПАНА”ДА ЮРИБ САЙЛОВЧИ ИШОНЧИННИ ҚОЗОНИБ БЎЛМАЙДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Қайд этилдики, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ масалалар юзасидан тегшли ташкилотлар раҳбарларига 8 та депутатлик сўрови юборилди.

Депутатларимиз ташаббуси билан Миробод ва Мирзо Улуғбек туманларида аҳолининг тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун 5 та давлат муассасасининг моддий-техника базасини яхшилаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга Янгиҳаёт ва Яшнобод туманларида мактабгача таълим муассасаларининг етишмовчилиги муаммоси депутатларимиз ташаббуси билан муҳокама қилиниб, бу борада 3 та янги лойиҳа ишлаб чиқилди.

Аҳолининг кундалик ҳаёт сифатини ошириш мақсадида эса Олмазор, Чилнозор ва Учтепа туманларида йўл таъмирлаш ва сув таъминотини яхшилаш юзасидан 6 та депутатлик сўрови юборилди, шундан 4 таси ижобий ҳал этилди. Мирзо Улуғбек ва Шайхонтоҳур туманларида жамоат транспорти хизматларини яхшилаш масаласи кўтарилди, 3 та автобус йўналиши қайта тикланди...

Йиғилишда ўзимиз учун керакли шунга ўхшаш кўп маълумотларга эга бўлди. Уларни кейинги сонларда мақолалар тайёрлаш учун қайд дафтаримизга белгилаб ҳам олдик.

Шаҳар партия кенгаши фаолияти билан боғлиқ саволларимизга жавоб олиш мақсадида Сирожиiddин Шоназаровга юзландик. Ундан айрим саволларимизга шахсий нуқтаи назари ва кузатувларидан келиб чиқиб, жавоб кутдик.

– Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ХДП катта куч ва салоҳиятга эга. Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилоти ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланмоқда? Кўзга кўринарли ташаббуслар ҳақида нима дейиш мумкин?

– Аввало, таъкидлашим керакки, амалий ишларимиз салмоғи кундан-кунга ортиб бормоқда. Йил бошида худди ҳозиргидек йиғилишиб, кўплаб вазибаларни белгилаб олгандик. Шу асосида партияимиз ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари Давлат дастурлари, қонунлар ижроси, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор ташаббусларни амалга оширди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар, туманлар Кенгашида Ўзбекистон ХДПнинг 59 нафар депутати бор. Шаҳарда аъзоларимиз сони 56 917 нафарни ташкил этапти. БПТларимиз сони 925 та. Ҳақиқатан ҳам бу катта куч дегани.

Бир нарсани ишонч билан айта олам, партия ташкилотларимизнинг ҳам, депутатларимизнинг ҳам халқ орасида обрўси яхши. Партия гуруҳимиз туман Кенгаши доимий комиссиялари, ҳокимлик ва ижроия органлар олдига ўз сўзига ва мустақкам позициясига эга.

Масалан, шаҳар ва туманлар Кенгашларининг 11 та доимий комиссияси Ўзбекистон ХДП партия гуруҳи аъзолари раислигига бошқариб келиняпти. Бу ҳам бизга катта имконият беради. Юбораёт-

ган депутатлик сўровларимиз жавобсиз қолмайди. Аҳоли билан учрашувлардаям энг кўп мурожаатлар бизга билдирилади. Чунки кўтарилган масалалар ҳал этилгач, натижаси етказилади, одамлар ўзгаришларни ўз кўзи билан кўради.

Агар бирор жўяли тақлифимиз инobat-га олинмасдан қолса, тортишишга, фикримизнинг асосли эканини исботлашга тўғри келади. Баъзида тақлифимизни яхшироқ ўрганиб, қабул қилинишини котибиятдан қаттиқ талаб қиламиз ва мақсадимизни охирига етказамиз. Ахир ташаббус кўрсатмаса, ҳурмати ҳам бўлмайди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ижтимоий ҳимоя ва аҳолининг муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида партия депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан 12 та масала Кенгаш муҳокамасига киритилди.

Партияимиз депутатлик гуруҳлари доимий равишда сайёр қабуллар ўтказиб, аҳоли муаммоларини ўрганиб келмоқда. Бу борада Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ишлар тизимли йўлга қўйилган. Хусусан, ўтган вақт мобайнида жами 49 та депутатлик сўрови юборилиб, шундан 28 таси ижобий ҳал этилди. Мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш бўйича 5 та тақлиф Кенгаш муҳокамасига киритилди.

Бу кўпми ёки кам, деган ҳулоса қилмаймиз. Шунчаки, кўтарилган ҳар бир масала ортида инсон манфаати, ҳудуд ривожига турган экан, унинг долзарблиги, аҳамияти юқори бўлаверади.

Шу ўринда айтиб ўтишим керак, айни вақтда партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан партия ва депутатлар фаолиятини рақамлаштириш устида иш олиб бориламоқда. Хусусан, "Депутат кундалиги" мобил иловаси концепцияси ишлаб чиқилди ва техник механизмлари кўриляпти. Бу тизим нафақат депутатлар ишини самарали ташкил этиш, балки аҳоли билан тезкор ва очик мулоқотни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Ушбу илова партия ва депутатлар

“

ХУСУСАН, ЎТГАН ВАҚТ МОБАЙНИДА ЖАМИ 49 ТА ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛИБ, ШУНДАН 28 ТАСИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ. МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТИШ БЎЙИЧА 5 ТА ТАҚЛИФ КЕНГАШ МУҲОКАМАСИГА КИРИТИЛДИ.

фаолиятини рақамлаштириш билан бирга қатор ижобий натижаларни ҳам беради. Масалан, депутатлар фаолияти шаффофлашади ва жамоатчилик назорати кучаяди. Мурожаатларни тезкор қабул қилиш ва ҳал этиш механизмлари такомиллашади. Депутатлар ва сайловчилар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот таъминланади.

Шунингдек, муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни ҳал этишда манзилли ёндашув жорий этилади. Депутатлар самарали фаолият юритиши учун рейтинг тизими асосида баҳоланади. Яна бир муҳим жиҳати, партия ва унинг фаоллари сайловчилар билан мустақкам ҳамкорлик ўрнатади.

Уйлаймизки "Депутат кундалиги" иловаси партияимиз фаолиятини янги босқичга олиб чиқади.

– Сиз шаҳар партия кенгаши ишончли шахсан ўзингиз қониқасизми? Партия кенгаши йўл қўйган хатолар сизнингча, нималардан иборат? Камчиликлар қандай ва қайси пайтда ижобий тенденция томон силжиди?

– Албатта, ҳозир ишимизда мақтанса арзигулик жиҳатлар жуда кўп. Аввало, биз ўта расмий кайфиятда, қуруқ тадбирлар ўтказишдан бутунлай воз кечдик. Фуқаролар асосан кундалик турмушида дуч келаётган муаммолар билан ёнимизга келади. Инсонга меҳр улашиш, руҳий мадад бўлиш ҳам катта гап.

Ўтган йили ўтказилган сайловда партияимиз имиджи янада мустақкамланди, сайловчилар билан янада яқинлашдик, ҳар бир маҳаллага кириб бордик. Шу орқали партияимиз дастурий мақсадлари, ғояларини аҳоли орасида янада чуқур ва кенг тарғиб қилишга эришдик. Шунингдек, ҳудудлардаги ҳақиқий вазиятдан хабардор бўлдик. Бу кейинги фаолиятимизда ҳам қўл келди, дейиш мумкин.

Айтиш керакки, ҳозир ҳам аҳоли билан мулоқотни кучайтириш, мурожаатларни ҳал этиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш ва маҳаллий муаммоларни ҳал этиш фаолиятимиз асосини ташкил этмоқда.

Бирок, сиёсий ташкилот сифатида доимо ўз фаолиятимизни таҳлил қилиб, ривожланиш йўллари излашимиз зарур. Шу нуқтаи назардан, шахсан мен партия кенгашининг ишидан тўлиқ қониқиб ҳосил қилганим йўқ. Чунки сўз, ишлашга хоҳиши йўқ депутатлар, партияимиз ташкилотлари ҳам йўқ эмас.

Ҳамма ишларимиз "беш" демайман, қўлимиздан келганича ҳаракат қиляпмиз. Эътиборга молик ишлар кўп, албатта. Аммо барча ишлар рисоладагидек дейишга ҳали эрта. Депутатларимиз билан ҳамкорликда қиладиган ишларини талайгина. Шунини унутмайликки, "пана"да юриб сайловчи ишончини қозониб бўлмайди.

Масалан, депутатларимиз орасида сайловчилар билан мулоқот қамдан-кам ёки расмийлашган шаклда кечаётганини кузатяпмиз. Бу катта хато, албатта. Сайловчиларга қулоқ тутиш, улар билан елкама-елка туришда гап кўп.

Шунингдек, сайловчилар томонидан йўланган мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида сусткашликлар ҳам учрамоқда. Бир нарсани унутмайлик, мурожаат қилиш фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан биридир. Эътибор билан кўриб чиқсак, уларда нафақат муаммолар, балки одамларимизнинг кайфияти, шарт-шароити, олиб борилаётган ислохотларга муносабати ҳам акс этади. Демак, мурожаатга эътиборсиз қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Яна бир муҳим масала. Биз ижтимоий ташаббуслар ва қонунчиликка таъсир ўтказиш механизмини кучайтиришимиз керак, деб ўйлайман. Фақат мурожаатларни қабул қилиш эмас, балки ҳокимият ва давлат органлари билан конструктив ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим.

Энди саволингизнинг иккинчи қисмига келадиган бўлсак, биринчидан, агар депутатлар жойлардаги фаолиятини кучайтирса ва аҳоли билан тизимли иш олиб борса, партиянинг таъсирчанлиги ортади. Маҳаллий кенгашларда партия ташаббуслари янада фаол кўтарилса, депутатлик сўровлари орқали муҳим масалалар тезроқ ҳал бўлади.

Тўғри, партияимиз ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларимиз фаолиятида айрим камчиликлар бор. Уларни бартараф этиш бўйича аниқ режалар ҳам ишлаб чиқилган. Биргина "Депутат кундалиги" мобил иловасининг жорий этилиши, депутатларнинг масъулиятини ошириш ва партия ташаббусларини кучайтириш каби чораларни тезроқ амалга оширсак, ижобий ўзгаришлар бўй кўрсатишига ишонаман.

Депутатнинг бир ўзи катта куч эмас. Аммо депутат ва партия ташкилотлари бирлашса, мақсад ва ғояларини муштарак қилса, ана шунда кучли бўғинга, одамлар таянчига айланади.

– Ютуқлар ҳақида гапирдик, хато ва камчиликларга тўхталдик. Келинг, энди бевосита партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш масаласига тўхталсак. Бундан кейин нимани кутсак бўлади? Яна бир савол. Юқорида муаммоларни айтдингиз. Хўш, сиз бу муаммоларни тўлиқ бартараф этишга ваъда бера оласизми?

– Шунингдек, таъкидлашим керакки, партияимизнинг ҳозирги даври – ахборот тезкорлиги ва рақамли платформалар устуворлик касб этган даврдир. Бугунги кунда жамиятнинг сиёсий онгини шакллантириш, халқни хабардор қилиш ва партия ғояларини кенг

“

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА ИЖТимоий ҲИМОЯ ВА АҲОЛИНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ, ИЖТимоий ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН 12 ТА МАСАЛА КЕНГАШ МУҲОКАМАСИГА КИРИТИЛДИ.

оммага етказишда ижтимоий тармоқларнинг ўрни беқиёс. Айни йўналишда Тошкент шаҳар партия кенгашимиз ходимлари учун ижтимоий тармоқларда партия ғоялари тарғиботини самарали олиб бориш, депутатларимиз фаолиятини замонавий усуллар ёрдамида янада кенгроқ аҳолига етказиш мақсадида мутахассисларни жалб қилиб, ўқувларни ташкил қилганимиз.

Партиянинг ғоялари халққа етмаса, унинг амалий фаолияти, саяҳат-ҳаракатлари ва мақсадлари тўғри тушунтирилмаса, жамиятда таъсирчан кучга айланиши қийин бўлади. Шу сабабли, Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари, депутатлар ташаббуслари ва амалга оширилаётган ишлари кенг жамоатчиликка етказилиши лозим. Бунинг энг самарали йўли – ижтимоий тармоқлар.

Муаммолар бор ва уларни бирданига тўлиқ бартараф этиш осон эмас. Лекин партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш учун бор куч ва имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланган ҳолда қатъий ҳаракат қиламиз.

Сиёсатда реал ёндашув асосий тамойиллардан бири бўлиши керак, деб ўйлайман. Мен ҳар қандай муаммони бир зумда ҳал қилиб қўйиш мумкин, деб ваъда бермайман. Аммо бир нарсани аниқ айта олам – биз бу муаммоларни босқичма-босқич ҳал қиламиз.

Шу билан бирга, агар бизнинг депутатлар аҳоли билан ҳақиқий мулоқотга киришиб, уларнинг манфаатлари йўлида қонунларни қабул қилишда, ижтимоий ҳимоя масалаларида, иқтисодий ривожланиш бўйича ташаббуслар билан чиқса – муаммолар қисқа фурсатда ижобий ечим топиши шубҳасиз.

Агар биз рақамлаштириш жараёнини самарали жорий этиб, партия фаолиятини замонавий стандартлар асосида ташкил этсак – ХДП ҳозирги мавқеидан бир неча марта кучлироқ партияга айланади.


Шу сабабли, биз натижага эришиш учун ҳаракат қилишга ва бу мақсадлар йўлида ҳамжиҳатликда ишлашга тайёрмиз!

Биз партия сафида туриб, халққа амалий ёрдам беришимиз, ижтимоий адолатни таъминлашимиз ва жамиятдаги партия нуфузини оширишимиз шарт! Бу фақат ваъда эмас – бу ҳаракат режаси!

Шунча вазифа, шунча имконият, энг муҳими, шунча эътибор. Ҳамма гап имкониятлардан тўғри фойдаланишда, мақсад-муддаонинг моҳиятини тўғри тушуниб, уни амалда қўллашда. Кўрамиз, кузатамиз, яқин кунларда шаҳар партия кенгаши етакчиси санаб ўтган режаларни, амалий ишларни ва уларнинг натижаларини саҳифаларимизда ҳаёт ёритишга биз ҳам умид қиламиз.

Кейинги сонимизда ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси эшигини тақиллатамиз ва саволларимизга жавоб излаймиз.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Лазиза ШЕРОВА сўхбатлашди.**



ТОТАЛИЗАТОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

ОТИ ҲАҚИДА ШУ ҲАҚИДА...

Онлайн қиморларни оддий тилда нафс қопқони, дейиш мумкин. Бунинг домига тушиб, ўз жонига суиқасд қилган, мол-мулкларини сотган ва бошқа ҳуқуқбузарликларга йўл қўяётганлар оз эмас.

Осон пул топиш вазвасасига тушиб қолган бундай инсонлар кўра била туриб, ўзини ўтга ташламоқда. Яъни, букмейкерлик компаниясидан рўйхатдан ўтиб, ўйин ставкалари платформасининг ҳисоб рақамига пул ташлаш орқали ўз тақдирини белгилайди. Таваккалчиликка асосланган бу ҳаракат тахмин ва натижанинг бир-бирига қанчалик мос келишига боғлиқдир. Худди қимор ўйинида бўлгани каби тахминни тўғри чиққан шахс ютади, акси бўлса, пулидан ажраллади. Нима бўлганда ҳам унинг гирдобига тушсангиз, тамомсиз...

Кўп эмас, узоққа бормаёлик. Ўтган йилнинг декабрь ойларида ижтимоий тармоқларда Сирдарёда номаълум эркак онлайн қимор ўйинини ўйнаб катта миқдорда пул маблағларини ютқазиб қўйгани учун ўзини осиб қўйгани ҳақидаги хабарлар тарқалди. Бу ҳолат биринчиси эмас, охиригиси ҳам...

Бундан аввал қарзга олган 57 млн сўмини тотализаторда ютқазиб қўйган фарғоналик ўқитувчининг қабристонда ўзини осиб қўйгани анча пайт одамларнинг дилини хира қилган эди. Наманган вилояти Норин туманида автоматка ўқитувчиси онлайн қимор сабаб ўз жонига қасд қилгани ҳақида вилоят прокуратураси ахборот хизмати хабар берган эди.

Бу ҳақда фикрлашишдан аввал тотализаторнинг «азарти» сиртомига тушиб қолиб, пул ютқазган, қарзга ботган ҳамда ўз жонига қасд қилишгача борган бир воқеага эйтиборингизни қаратамиз. Сухбатдошимиз шахси аноним қолиш шарти билан интервьюга рози бўлди. У тотализаторда пуллари ва молларини ютқазгани, қандай қилиб қарз ва ўнглаб бўлмас зарарга кириб кетгани ҳақида айтиб берди.

– Яхшигина касбим бор эди, мебель ясардим, уйимда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим, – дейди бухоролик Ш.О. – Ёшлигимдан футболга қизиқиб, томоша қилардим. Бир кун синфдошлар билан йиғилишиб, Европа лигасидаги бир ўйинни томоша қилмоқчи эдик. Ҳаммаси шундай бошланди. Бир синфдош дўстимиз ўша ўйинга пул тикиди ва ютди. Мен ҳам пул топишнинг осон йўли бор экан-ку, деб ўйлаб қолдим.

Синфдошим менга унинг йўл-йўриқларини ўргатди, телефонимга ўйин программасини ўрнатиб олдим ва ўйнай бошладим. Мени осон пул топиш вазвасаси чулғаб олган эди. Билмадим, ёшлиқ қилибми ёки уйимдаги эркинлик сабабини тотализатор балосига тез орада боғланиб қолдим.

Уша кун ҳаётимдаги энг катта хатони қилганимни тушуниб етдим. Тўғри, ютган пайтларим ҳам бўлди. Бир сафар ютсам, кетма-кет бир неча бор ютқазшимга тўғри келарди. Бу тафовутлардан янада ўйинларга чуқурроқ кириб борардим. Ютқазган пуллариمنى қайтариб оламан, деб ўйинга шўнгиб кетдим. Ҳўнарим ортидан йиққан бор-будимни ҳам тикдим. Бошқаларда бўлганидек, ҳаёлимда ягона фикр, бой берганларимни қайтариб олсам, ўйинни ташлайман, дердим. Лекин қайтмадим, воз кеча олмадим.

Унга бир марта кириб қолган одам чиқиб кетиши жуда қийин бўларкан. Бироқ буни идрок этиб, тан олишим учун 5 йил умрим сарфланди. Ҳисоблаб кўрсам, шу йиллар ичида 60-70 минг доллар пул ютқаздим. Қарз олмаган ошна-оғайни, қариндош-уруғ қолмади, ҳисоб. Қарзларимни тўлаш учун машинамини сотдим, аёлимнинг тилла тақинчоқларини ҳам, аммо етмади. Қарз ортидан қанча дўстларим, қариндошларим билан юз кўрмас бўлдим. Аммо бу пул кичкина сумма эмас. Бир неча мартаба яшаб турган ҳовлимизни сотиш фикри ҳам туғилган, лекин уйимиз отамнинг номида бўлгани учун буни қилолмаганман. Тез-тез ҳаёлимга жонимга қасд қилиш фикри келаверарди.

Яхшигина касбим, даромадим бор эди. Қўлим ишга бормади қолди, асабий, жаҳлдор бўлиб қолдим, яқинларимнинг менга ишончи қолмади. Ота-онамни кўп хафа қилдим. Оилам пароканда бўлди, аёлим болаларимни олиб ота уйига кетиб қолди. Хуллас, ҳаётим алғов-далғов бўлди, баракам кетди, хотиржамлигимга пугтур етди. Бирим икки бўлмади. Ота-онамни, ёш оиламни бўзлаб, бугун пушаймонликдан бошимни қайси деворга уришни билмай турибман. Оти ўқсин шу ўйиннинг.

Ҳозир яна касбимга қайтдим. Қарзла-

ЁХУД ОСОН ПУЛ ТОПИШ ВАСВАСАСИ ҲАҚИДА

римни тўлашим керак. Бу ўйиннинг зарари, касофатини идрок этиб, тан олишим учун 5-6 йил умрим сарфланди. Уша пайтларда тотализатор ҳақиқий ўргамчак түри эканини тушунмаган эдим. Ҳали узок вақт йўқотилган йиллар ва пуллар товонини тўламан.

Билдимки, бу ўйин инсоннинг имони ва иродасини йўқ қилади. Унинг ҳаёлига ютиш ва фақат ютишим керак, деган саробни жойлаштиради. Натижада одам ҳақиқий қиморбозга айланади. Аввал, бошидан тотализатор қимор эканини билганимда эди...

КЎР-КЎРОНА ИШОНЧ ВА "ЮТИШ" САРОБИ

Ушбу суҳбатдан сўнг яна бир бор шунга амин бўлдимки, ушбу ўйинлар ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Бунинг оқибатида оилавий низолар, юқоридаги каби турли хил кўнгилсиз ҳодисалар юзга келаверади. Дахшатлиси, бунинг ортидан қанча инсонлар ўз ҳаётига нукта қўймоқда.

Мақолани тайёрлаш жараёнида бир маълумотга кўзим тушди. АҚШда сўнги йилларда 6 миллиондан ортиқ одам қимор ўйинлари сабаб касал бўлиб, даволанишга муҳтожлигини ва ўзини бошқара олмаётганини маълум қилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам буни касаллик сифатида эътироф этади. Ташкилот фикрича, "қимор ўйинларига бўлган патологик қарамлик", деб номлаган, яъни, манья даражасидаги беттинг – алкоголизм ва наркомания билан бир қаторда турувчи касаллик.

Яна бир маълумот. Тотализатор билан шуғулланувчи компаниялар бутун дунёда маркетинг ва рекламага Coca-Cola ва Pepsi'dан кейин энг кўп маблағ сарф қиладиган ташкилотлар ҳисобланар экан.

ХЎШ, ОНЛАЙН ҚИМОР ЎЗИ НИМА?

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

– Тотализатор — бу гаров турларидан бири бўлиб, француз тилида ҳисоблаш, яқунлаш, деган маъноларни англатади. Бирор йўналиш ёки ўйинда қайси тарафнинг бошқа, рақиб томони устидан зафар қучишини тахмин қилиб, ўзи ишонган маълум бир шахс ёки жамоага пул тикишдир. Қисқа қилиб айтганда бу онлайн казино, буни "қимор" ҳам деб атаймиз.

Ўйин моҳиятига эътибор берсак, осонгина пул ютиб олишни кўзлаб букмейкерлик компаниясига пул тикилади. Бунинг учун шу компанияда рўйхатдан ўтилади ва ўйин ставкаларини ташкил қилувчи платформа ҳисоб рақамига пул ташланади.

Буни қарангки, тотализатор ташкилотчилари хавфли қимор ўйинларига қўшилмайди, бироқ ҳар бир тикилган пулдан фоиз олади ва харажатларни оқлаш учун фақат одатдаги бизнес таваккалчилик юқини кўтарди, холос. Шу сабабли улар ҳеч қачон ютқазмайди. Аммо, афсус, онлайн қимор түрига тушиб қолганларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам ушбу фикрларни айти олмаимиз.

Чунки осон йўл билан бойлаш орттиришга уринганларнинг якуни кўп ҳоллар аянчли тугайди.

Тотализатор Ўзбекистонда асосан ёшлар ўртасида оммавийлашиб кетаётганини кузатиш мумкин. Бундай ўйинлар қурбонига айланаётганларнинг аксарияти янги авлод вакиллари. Тахлилларга кўра, бу асосан мобил телефонлар билан улғаяётган ёшлар бўлиб, бугунги кунда қўпроқ 10-28 ёш оралиғидаги йигит-қизлар ҳисобига тўғри келади.

Хўш, бунга сабаб нима? Табиатан ёшларда муваффақиятга тезроқ, бир лаҳзада эришиш истаги кучли бўлади. Улар қандайдир мўъжизавий омад ёки ютук билан умри давомида босқичма-босқич эришилаётган барча маррага осонлик билан эришишни хоҳлайди. Онг остида бўлаётган бундай кучли иштиёқ уларни ўз омадини синаб кўриш истаги томон етаклайди.

Яна бир масала. Аслида одамзот табиатида хос бир жиҳат бор. Яъни, гаров ўйнаш ва

ўзининг ҳақлигини исботлаш ҳар бир инсонда бор хислат. Ҳозирги замонавий дунёда ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ана шу эмоциянинг юзга чиқиши учун имконият берди.

Натижани кутиш, ғалаба қозониш, ютиш пайтидаги ҳаяжон ҳар бир инсонга ёқади. Кўпчилик қайфиятини кўтариш, янгича туйғуларни ҳис қилиш мақсадида қимор ўйнайди ва бора-бора шундай ҳаяжонсиз яшай олмаётган, деб ўйлайдиган бўлиб қолади. Айрим инсонларни қимор ўйинларига шундай психологик ҳолатлар жалб қила бошлайди.

Яна бир сабаблардан бири ҳозирда ижтимоий тармоқларда букмейкерлик ташкилотларининг ташвиқотлари кенг тарқалганида, деб ўйлайман.

САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Қиморга қарамлик инсонга нафақат психологик зарба беради, балки жисмоний ва ижтимоий оқибатларга ҳам олиб келади.

Ҳолида ЗИЁЕВА,
ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети доценти:

— Аддиктив (қарам) ҳулқнинг ривожланиши сезилмасдан кечади. Бошқа аддиктив ҳулқ шахс эҳтиёжларини қондиришида кўринади. Кейин аста-секинлик билан кишида ўзини назорат қила олмайдиган ҳулқ-атвор шакллана бошлайди. Бундай ҳулқнинг давомилиги шахсининг қабул қилаётган моддасига қараб, унинг ёши, жинси ва индивидуал хусусиятларига қараб белгиланади.

Бундай ҳулқ-атвор инсоннинг ўз онг ҳолатини ўзгартириш орқали ўзи яшаб турган реал ҳаётдан қочишида намоян бўлади.

Реал ҳаётдан қочиб қандай амалга оширилишига қараб бир неча хил қарамликларга бўлинади. Шулардан бири – гемблинг, яъни қимор ўйинларига қарамлик ҳисобланади. Бунга карталар, казино, тотализаторлар, банкоматларда ўйин ўйнаш, видеоўйинлар, эолектрон ўйинчоқларга қарамликлар кирди.

Ютқазилган пулнинг ўрнини қоплаш мақсадида ҳаттоки, йиллаб вақт кетади. Одам ривожланиши, ўз шахсий тараққиёти учун ҳаракат қиладиган, ишлайдиган вақтини беҳудага сарфлайди. Мақсадлари йўлида кечикади. Чунки вақт қайтиб келмас, бебаҳо неъматдир.

Шунингдек, қимор ўйинлари соғлиққа ҳам таъсир қилади. Бундай ўйинлар инсонда умидсизлик ва ноқондорлик ҳиссиётларини келтириб чиқаради. Бора-бора киши асабий ва жаҳлдор инсонга айланади. Чунки уларнинг ҳаёлини фақат ва фақат ўйин, ютиш қайғуси эгаллайди.

Инсон онлайн пул тикиш ўйинларини ўйнай бошлагач, худди наркотикка боғланиб қолгандек пул тикишга ўрганиб, иродасидан маҳрум бўлади. Инсон шу даражага келадими, қимор қўлига айланади, ўзини бошқара олмай қолади. Бу дард даволаниши жуда қийин бўлган касалликлардан.

Яқинда бир маълумотга кўзим тушди. Бундай зарарли оқибатлар туфайли кўплаб мамлакатларда қимор ўйинларига қарамлик соғлиқни сақлаш соҳасининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Яна бир салбий жиҳати бу молиявий муаммоларнинг келиб чиқишида. Бунда асосиз равишда, ҳеч қандай мақсадсиз маблағлар йўқотилади. Молиявий қийинчиликлар сабаб одамлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар кўпаяди.

Бундай ўйинлар ортида турган манфаатдорларни эса сизнинг ҳолатингиз асло қизиқтирмайди. Икки-уч марта сизга ютук чиқарганлар кетидан бир неча юз баробар кўпроқ қилиб уларни қайтариб олади. Натижада молидан айрилган одамнинг кўзига ҳеч нима кўринмай қолади.

Суҳбатдошимизнинг фикрига биз ҳам қўшимча қиламиз. Тотализаторнинг авж олиши бутун жаҳият учун ҳам хавфлидир.

Ўтган йили Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани давомида Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги бошқарма бошлиғи Нодиржон Жўраев



лотереялар ва таваккалчиликка асосланган ўйинлар сабаб бир йилда Ўзбекистон аҳолисининг 300 миллион доллардан 1 миллиард долларгача маблағи хорижга чиқиб кетаётганини айтган эди.

"Аммо бу аниқ ҳисоб-китоб эмас, тахмин. Президентнинг 381-сон қарорига кўра, Ўзбекистон Республикасида чиқарилган пластик карталардан қимор учун пул тўлаш тақиқланган. Яъни, виза ва мастеркард тизимларида ҳар бир тўловнинг махсус кодлари бор. Агар фуқаро қимор учун пул тўламоқчи бўлса, бу ҳақда хабар берилади. Бизга яна шундай вақолат берилсан, агар онлайн қимор ташкиллаштирилса, улар биз томонимиздан блокланади", деди Жўраев.

ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Ўтган йилнинг декабрь ойида Вазирлар Маҳкамаси интернетда таваккалчиликка асосланган ўйинлар, лотерея ва ставкалар (букмейкерлик) ташкилотчилари учун лицензия олиш талаблари ва шартларини тасдиқлади.

Мазкур ҳужжат Президентнинг апрель ойидаги фармонини ижро этиш мақсадида қабул қилинган бўлиб, унга кўра, 2025 йил 1 январдан бошлаб таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар ва букмейкерлик фаолиятини ташкил этишга ружхат берилади.

Ҳуқуқат Ўзбекистонда қимор ўйинлари, лотерея ва букмейкерлик фаолиятини ташкил этиш учун талаб ва шартларни тасдиқлади. Ташкилотчилар учун лицензия муддати 5 йил этиб белгиланди, уларнинг устав капитали камида 56,25 млрд сўм бўлиши шарт. Шунингдек, бир қатор тақиқ ва чекловлар ҳам белгиланган.

Интернетда қимор ўйинлари, лотереяларни ташкил этиш ва ўтказишда қуйидагилар тақиқланади:

- Қимор ўйинлари, лотереялар ва букмейкерлик ставкаларида иштирок этиш, ютук ёки мағлубият билан боғлиқ тўловларни 18 ёшга тўлмаган шахсларга тегишли банк ҳисобварақларидан, шу жумладан, банк карталаридан амалга ошириш;
- Лотерея билетларини сотиш шохобчаларидан ташқарида қимор ўйинларини ўтказиш учун мўлжалланган, ўйинчиларнинг бевосита иштирок этиши ва ҳозир бўлишини талаб қиладиган стационар ёки мобил ўйин заллари, казинолар, ўйин автоматлари заллари ёки бошқа ўйин муассасаларини ташкил этиш;
- Ўзбекистон ҳудудида ва Ўзбекистон фуқаролари иштирокида бўлиб ўтадиган ҳодисаларга (спорт ўйинлари ва мусобақалари, сиёсий жараёнлар, танловлар ва бошқалар), ҳалқаро федерациялар қоидаларига мувофиқ тегишли тайёргарлик, назорат ва ҳақамлик таъминланган, томошабинлар иштирокида ўтказиладиган халқаро спорт мусобақалари ва тадбирлари бундан мустасно;
- Болалар ва ўсмирлар спорт мусобақаларига ставкалар қўйиш.

Хулоса ҳар кимнинг ўзидан. Ушбу мавзу ҳақида мулоҳаза юритишдан мақсадимиз эса тотализатор домига тушиб қолган, топган-тутганини, бор-будини қиморга тикиб, бунинг охирини ўйламаётган журтдошларимиз, ёшларимизни огоҳликка чорлаш эди.

Лазиза ШЕРОВА,

"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

УСТОЗЛАР НЕГА ХАФА, ОТА-ОНАЛАРЧИ?

Ўқитувчилар – онг-у тафаккур муҳандисларидир. Улар маърифат боғининг боғбонлари ҳисобланади. Шарафли ва масъулиятли касб эгалари учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилган. Давлат сиёсати даражасидаги хайрли ва эзгу амаллар бошқичма-бошқич давом этаётгани қувонарли.

Аммо Денов туманидаги 46-мактаб жамоаси ва фарзандларимиз ана шундай қулайлик ва имкониётлардан бебаҳра қолмоқда. Муаммолар ечим топиш ўрнига тобора кўпаяётгани ачинарли. Бундан устозлар дилхун бўлса, ота-оналар норози...

Таъкидлаш лозимки, даргоҳ туман марказидан 15-20 километр олисда жойлашган бўлиб, минг нафарга яқин ўғил-қизлар таълим-тарбия олмақда. Юз нафарга яқин педагоглар давомчиларимизнинг етук инсонлар бўлиб вояга етишларида камарбаста. Ўтган асрнинг 65-70-йилларида бу ерда 500 нафар ўқувчи мўлжалланган мактаб барпо қилинган бўлса, ўғил-қизлар сони ортиши билан собиқ боғча биноси мактаб тасаруфига берилган...

– Меҳнат фаолиятимга 24 йилдан ошди, – дейди бошлангич синф ўқитувчиси Моҳидил Ҳайтова. – Ёшлгимиз шу ерда ўтган. Кўриб турибсизлар, мослаштирилган бинодаги ахвол

ниҳоятда ачинарли. Алмисоқдан қолган иншоотнинг деворлари ёрилган, сувоқлар кўчган, эшик-ромлар эски, ойналар синган, шифтдан “чакки” ўтади.

Электр энергияси таъминотида ҳам камчиликлар бор экан. Тез-тез чекловлар рўй беришини айтишди ота-оналар.

– Ҳа, шундай. Қишда совуқ бўлди, деб “свет”ни ўчиришса, ёзнинг аномал иссиғида “лип-лип”лар янада кўпаяди. Баҳор ва кўзда эса шамол ҳамда ёмғирни “айбдор” қилишади масъуллар. Нима қилиш ва қандай йўл тутишга ҳайронмиз...

– Шу ерда икки нафар фарзандим таълим-тарбия олади, – дейди кўнчаллик билан “Ўзбекистон” маҳалласида яшовчи Маҳмуд Ҳидоят. – Таълим даргоҳини кўрган кишининг ҳам раҳми келади, ҳам ўксинади, ҳам жаҳл чиқиши турган гап. Иситиш тизими яхши ишламайди. Ёгин-сочинли кунларда ховлида катта-кичик қўлмаклар пайдо бўлса, кунлар илиши билан чор тарафдан чанг-тўзон кўтарилади. Электр узатмалари ва ускуналар болажонлар ҳаётига хавф туғдирмоқда. Собиқ боғчадан қолган расм ва шиорларга кўзингиз тушади. Ҳар жой, ҳар жойда чиқинди ва ташланмалар тўпланиб қолган.

Спорт залимининг омборхонага қислаш мумкин. Омонатгина шифт “осилиб” қолганга ўхшайди. Тор жойда томоша, деганларидек майдоннинг бир томонида парта ва стол-стул хирмондек “уюлиб” турган бўлса, бошқа тарафда машғулот ўтказилади.

Хўш, кўпнинг дард-у ташвишига айланган оғриқли масала қачон ечим топади-ю, қачон устозлар ва фарзандларимиз учун қулай шароит яратилади. Шу ва бошқа саволларга жавоб олиш мақсадида масъулларга мурожаат қилдик.

– Фаолият бошлаганимга бир йилдан ошди, – дейди 46-мактаб директори Мусурмон Бойқобилов. – Ҳақиқатан ҳам нуқсонлар тўпланиб қолган экан. Бу ҳақда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими мутасаддиларига айтганман. Зарур чора-тадбир кўриляпти. Яқин келажақда масала ечим топишига ишонаман...

– Даргоҳни 2026 йилда капитал таъмирланиши кўзда тутилган, – дейди Денов туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими масъул ходими Анвар Маллаев. – Бунинг учун тегишли таклифларни берганмиз.

– Иморат пойдеворсиз қурилгани кўришиб турибди. Шиферлар аллақачон “умр”ини ўтаб бўлган. Аксарият ёғочлар эскирган. Деворлар ярим асрдан ортиқ “ямаб” келинган бўлса, энди қум ва оҳак билан “қуроқ” солишининг иложи йўқ. Шундай экан, қайта таъмирлаш фойда беришига ишонасизми...

– Аввал мутахассислар кўришсин. Шундан кейингина бир тўхтамаг келинади.

– Келгуси йил янгиликка гувоҳ бўламизми...

– Бунга бирор нарса дейишим қийин. Яхши ният қилиб турайлик-чи, балки, янги мактаб қурилар...



Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Кечаги муаммо бугун ҳал қилинмас экан, эртага янада кўпайиши турган гап. Денов тумани ва Сурхондарё вилояти ҳокимликларидан оғриқли ма-

салага янада жиддийроқ эътибор қаратишларини сўраб қоламиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АЖ: ВАЗИФАМИЗ 2025 ЙИЛДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ 10 ФОИЗГА ОШИРИШ

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ДРАЙВЕРИ ҲИСОБЛАНГАН ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. ЯРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ҚУВВАТЛАР ЭВАЗИГА ГИДРОЭНЕРГЕТИКА САЛОҲИЯТИНИ НАФАҚАТ БИР МАРОМДА САҚЛАШ, БАЛКИ УНИ ОШИРИШГА ҲАМ ЭРИШИЛМОҚДА. ХУСУСАН, “ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АЖ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ ҚЎЛАМИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ НАТИЖАСИДА ЯРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ҚУВВАТЛАР ЎЗБЕКISTОН ГИДРОЭНЕРГЕТИКАСИ САЛОҲИЯТИНИ, НАФАҚАТ БАРҚАРОР ҲОЛАТДА САҚЛАШ, БАЛКИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА МАВЖУД ҚУВВАТЛАРИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Бу ҳақда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан “2024 йил давомида амалга оширилган ишлар ва 2025 йилдаги режалар” мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

– “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ташкил топгандан бунён янги қурилиш ва модернизация лойиҳаларига қарийб 1 миллиард доллар инвестиция йўналтирилди, – дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Фаррух Нуруллаев. – Ушбу жалб қилинаётган кенг қўламли капитал ва чет эл инвестициялари ҳисобига энг замонавий технологияларга асосланган янги ГЭСлар барпо этилмоқда. Жумладан, бугунги кунга қадар умумий қуввати 430 МВтга тенг бўлган 55 та ГЭС фойдаланишга топширилди. Шундан 42 та янги ГЭС қурилган бўлса, 13 та мавжуд ГЭС замонавий талаблар асосида тўлиқ модернизация қилинди. Эътиборли жиҳати, мазкур кўрсаткич сўнгги йилларда нафақат юртимизда, балки МДҲ давлатлари орасида ҳам салмоқли натижа ҳисобланади. Амалга

оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида жамият тасаруфидидаги жами ГЭСлар сони 77 тага етказилиб, мавжуд қувватлар 2,256 ГВтга оширилди. Мазкур кўрсаткичлар жамият фаолиятига ижобий таъсир этиб, 2024 йил якуни билан умумий активлар қиймати илк бор 1 миллиард 200 миллион долларга етди. 2017 йил билан таққосланганда, жами активларимиз қиймати 4 баробарга ошди. Бу билан жамиятнинг халқаро миқёсдаги “кредит елкаси” ишончилиги даражаси янада мустаҳкамланиб, 2,5 коэффициентни ташкил этди.

Эътиборли жиҳати, 2024 йилда тизимдаги энергия ҳосил қилувчи корхоналар томонидан 8,2 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу 2023 йилга нисбатан 20 фоиз кўп. Таъкидлаш керакки, амалга оширилган янги лойиҳалар ҳамда модернизация чора-тадбирлари ҳисобига 2024 йилдаги ишлаб чиқариш кўрсаткичи 100 йиллик тарихга эга гидроэнергетика фаолиятида энг юқори – рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Қолаверса, амалдаги ўрнатилган қувватлардан фойдаланиш коэффи-



циенти 41 фоиздир. 2024 йилда тармоққа узатишган электр энергиясини сотишдан тушган тушум 4 миллиард сўмдан ошқини ташкил этди. Шу билан бирга, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ миллий электр тармоқларига электр энергиясини етказиб бериш асосида йирик солиқ тўловчи сифатида ўтган йилнинг ўзида давлат бюджетига қарийб 1 триллион сўмлик солиқ ва бошқа тўловларни амалга оширди.

Бундан ташқари, тизимда жадал суръатларда трансформация ва рақамлаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили соҳани трансформация қилиш жараёни доирасида тизимдаги ГЭС ҳамда сув омборлари фаолиятини қамраб олган электр энергияси ишлаб чиқариш, гидротехник иншоотлар барқарорлиги ва хавфсизлигини ишончли таъминлаш, иншоотлар умумий эксплуатациясидаги барча технологик ва техноген вазиятларни доимий кузатиб бориш, марказлашган АСКУЭ тизими билан интеграция қилиш, ГЭС ва сув омборларида ўрнатилган замонавий дастурий технологиялар, илғор асбоб-ускуналар ва назорат-ўлчаш қурилмалари орқали автоматик равишда тизимли мониторинг олиб боришга мўлжалланган замонавий технологиялар билан жиҳозланган “Вазиятлар маркази” ишга туширилди. Тизим корхоналарида интеллектуал видеокузатув тизими жорий этилди ҳамда Вазиятлар марказига маълумотлар онлайн узатилиши таъминланди. Бир сўз билан айтганда, соҳа автоматлаштирилиб, деярли тўлиқ рақамлаштирилишига эришилди.

Маълумот ўрнида яна шунини айтиш лозимки, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ “Fitch Ratings”нинг “BB-” халқаро кредит рейтингини барқарор суверен даражада сақлаб келмоқда. Ошқораликни таъминлаш учун ташкилотимиз доирасида харидлар жараёнлари форензик аудитдан ўтказилиб, “Deloitte” компаниясининг ижобий хулосаси олиншига эришилди. Мана учинчи йилдирки, жамият коррупцияга қарши бошқарув тизими ISO 37001 халқаро стандарти бўйича мувофиқлик сертификатига эга. “Экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG)” нуфузли халқаро рейтингини 2023 йилда мамлакатимиз саноят корхоналари орасида жамият томонидан биринчи бўлиб қўлга киритилган бўлса, 2024 йилда ушбу халқаро рейтинг мақоми 72 балл билан янада юқори поғонага кўтарилди ва бу билан Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичга эга бўлишига эришилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида 2025 йилда электр энергияси ишлаб чиқаришда ўтган йилга нисбатан 10 фоиз ўсиш суръатига эришиш ҳамда инвестиция дастурига асосан умумий 3,3 миллиард долларга тенг 14 та лойиҳани амалга ошириш ва умумий қуввати 222 МВт, йиллик ишлаб чиқариши 1 миллиард кВт. соатга тенг 38 та лойиҳани фойдаланишга топшириш каби устувор вазифалар “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан белгилаб олингани таъкидланди.

Тоттемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



МУАССИС:



ЎЗБЕКISTОН
ХАЛОҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

O'zbekiston Ovozi

ТАҲРИР НАҲҲАТИ:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAOYEYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etiladi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 437. 1715 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda